



МАТБУОТ ВА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХОДИМЛАРИГА

Кадрли дўстлар!
Авваламбор, сиз, ҳурматли журналистларни, нашриёт ва матбаа, радио ва телевидение соҳаси фидойиларини, муҳтарам фахрийларимиз, юртимиздаги барча муштарийларни Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари кўни билан чин қалбимдан табрик-лаб, сизларга ўзининг чуқур ҳурмат ва эҳтиромини билдиришдан мамнунман.

Барчамизга яхши маълум, бугунги ҳаётимизни сизларнинг мураккаб ва масъулиятли фаолиятингиздан, оммавий ахборот воситаларидан айри ҳолда асло тасаввур этиб бўлмайди.

Сизларнинг машаққатли меҳнат маҳсулигини миллионлаб одамлар қаерда бўлмасин, доимо катта қизиқиш ва эътибор билан кутади. Дунёда кечаётган турли-туман воқеа ва жараёнлар ҳақида сизлар етказадиган тезкор ва ҳолис ахборотнинг, ҳаётини муаммолар, кундалик ташвишлар ва уларни ҳал қилиш йўллари ҳақида журналист ахли билдирадиган таъсирчан сўзнинг аҳамияти ва салмоғи ҳозирги замонда тобора ортиб бормоқда.

Буюк мутафаккир бобомиз Алишер Навоийнинг **“Даврон элининг ҳисмида ҳам жон бўлгил, ҳам жонларига мoya дармон бўлгил”** деган ҳикматли сўзлари аввало сизлар каби заҳматқаш ва фидойи инсонлар шаънига айтилган, десак, ўйлайманки, янглишмаган бўламиз.

Ҳақиқатан ҳам, сизларнинг мустақиллигини мустаҳкамлаш, одамларимизнинг онгу тафаккурини юксалтириш, уларни Ватанимиз олдида турган улкан мақсадлар сари сафарбар этиш йўлида қилаётган эзгу хизматларингизни ҳалқимиз, жамоатчилигимиз яхши билади ва юксак қадрлайди.

Муҳтарам юртдошлар!
Биз бугун қандай шиддат билан ўзгараётган ва ривож топаётган, илгари учрамаган, ечимни ўта оғир ва мурраккаб бўлган турли-туман муаммоларни тугдирётган XXI асрда яшаётганимизни ҳеч эсимиздан чиқармаслигимизни истардим.

Шулар қаторида, авваламбор, глобаллашув жараёнлари тобора тезлашиб, дунёнинг бир чеккасида юз берган воқеа-ҳодисалар унинг иккинчи бир четда зудлик билан акс-садо бераётган бир пайтда, бу ҳолатнинг ўзи барчамиздан замонавий билимларни, интеллектуал салоҳият, ахборот-коммуникация технологиялари, хорижий тилларни мукаммал эгаллашни, бир сўз билан айтганда, профессионал малакамизни ошириш учун ўз устимизда мунтазам ишлашни талаб қилаётгани ҳеч сир эмас.

Шуни алоҳида таъкидлашимиз зарур — ҳозирги вақтда нафақат ҳаёт, балки инсоннинг ўзи, унинг ички дунёси, ҳаётга муносабати ва талаби ҳам тубдан ўзгармоқда. Ана шундай кўпқиррали шароитда бугунги журналист, бугунги матбуотчи бу ҳақиқатни чуқур англаган тақдирдагина самарали фаолият кўрсата олиши мумкинлиги ҳақида, ўйлайманки, ортиқча гапиришнинг ҳожати йўқ.

Шу нукта назардан қараганда, мамлакатимиз аҳолисини, замондошларимизнинг ҳаёти ва дунёқарашини кечаги — 90-йиллардаги одамларнинг ҳаёти ва дунёқарашини билан солиштирадиган бўлсак, ўртада ер билан осмонча фарқ борлигини кўриш, кузатиш қийин эмас.

Ўз-ўзидан равшанки, бугун биз яшаётган янги давр,

янгича ижтимоий муносабатлар оммавий ахборот воситаларининг олдида тез суръатлар билан ўзгариб, ривожланиб бораётган жаҳониятнинг талабларига ҳар томонлама муносиб бўлиш, одамларни ўйлантираётган, безовта қилаётган муаммоларга жавоб излаш, уларни кун тартибига қўйиб, жамоатчилик фикрини шакллантириш бўйича ўта муҳим ва долзарб вазифаларни қўймоқда.

Шуларнинг барчасини инобатга олган ҳолда, кейинги йилларда мамлакатимизда оммавий ахборот воситаларининг демократик ислохотлар жараёнидаги ўрни ва таъсирини янада ошириш, уларнинг ҳуқуқий, моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, эркин ва мустақил оммавий ахборот воситаларини ривожлантириш, журналист касбининг ижтимоий мақоми ва нуфузини юксалтириш, соҳа ходимларининг меҳнатини моддий ва маънавий рағбатлантириш мақсадида амалга оширган ишларимиз ҳақида албатта кўп гапириш мумкин.

Мен бу борада фақатгина баъзи бир мисолларга эътиборингизни қаратишни ўринли, деб биламан.

Сўнгги йилларда юртимизда оммавий ахборот воситалари соҳасида 10 га яқин қонун қабул қилиниб, қўллаб-қувватлаш ҳужжатларига тегишли ўзгариш ва қўшимчалар киритилди.

Бу ҳақда сўз юритар эканмиз, оммавий ахборот воситаларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш масаласи доимий эътиборимиз марказида бўлиб келаётганини таъкидлашни хоҳлардим. Бунинг тасдиғини охириги 7 йилда соҳа ривожини учун давлат бюджети ҳисобидан кредитлар, ижтимоий бу-юртлар ва давлат грантлари шаклида қарийб 13 миллиард сўм маблағ ажратилгани мисолида яққол кўриш мумкин.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда оммавий ахборот воситаларининг сони 3,6 карра кўпайиб, ҳозирги вақтда 1 минг 400 дан ортиқки ташкил этаётгани, уларнинг моддий-техник базаси тубдан яхшилангани бизнинг бу борада қандай катта тараққиёт йўлини босиб ўтганимизни кўрсатади.

Мамлакатимизда аънавий ахборот воситалари билан бир қаторда, интернет журналистикаси ҳам жадал ривожланмоқда. Кейинги 5 йилнинг ўзига веб-сайтларнинг сони 2 баробар ортиб, 300 дан ошиб кетгани мамлакатимиз миллий ахборот маконининг мазмуни ва манзарасини тубдан ўзгариштиришга хизмат қилмоқда.

Бугунги кунда юртимизда 66 та телеканал, 34 та радиоканал фаолият кўрсатаётгани электрон медиа тармоқларнинг самараси ва салмоғи ҳам тобора юксалиб бораётганидан далолат беради.

Кейинги пайтда амалга оширган кенг қўламли ишларимиз натижасида ҳозир Ўзбекистон аҳолисининг 54 фоизи рақамли телевидение имкониятларидан фойдаланмоқда. Жорий йилнинг ўзига мамлакатимиз бўйича яна 84 та юқори қувватга эга бўлган телеузаътич мосламалари ўрна-тилади ва шу тариха барча ҳудудларимизни 100 фоиз рақамли телевидение билан қамраб олишга эришамиз.

Ҳозирги вақтда биргина Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси таркибидagi телеканалларнинг бир сутка давомидаги умумий эфир вақти 520 соатни ташкил этмоқда. Ҳолбуки, яқин ўтмишда бу рақам бор-йўғи 24 соатга тенг эди. Айни пайтда миллий теледастурларимиз сунъий

йўлдош орқали дунёнинг юздан ортиқ давлатларига уза-тилиб, жаҳон жамоатчилигини Ўзбекистоннинг қадимий тари-хи, бой маданияти, бугунги сермазмун ҳаёти билан таниш-тиришда катта роль ўйнамоқ-да.

Таъкидлаш жоизки, фуқаро-лик жамиятини шакллантириш-нинг муҳим шарт бўлган но-давлат оммавий ахборот во-ситалари ҳам ҳаётимизга чу-қур кириб бормоқда. Юр-тимиздаги босма нашрларнинг 60 фоизга яқини, телерадио-каналларнинг 67 фоизи, интер-нет нашрларининг эса 95 фо-изи давлатга қарашли бўлма-ган оммавий ахборот восита-лари экани бунинг амалий тас-дигидир.

Кадрли дўстлар!
Бугунги хурсандчилик кунда матбуот ва ахборот соҳасида эришган ютуқларимиз, олди-мизда турган вазифалар билан бирга соҳанинг келажақ истик-боллари хусусида фикр юри-тишимиз албатта ўринлидир.

Бу ҳақда гапирганда, “Биз кеча ким эдигу бугун ким бўлдик, эртага қандай янги марраларни эгаллашимиз ке-рак?” деган даъват аввалам-бор ҳеч кимдан кам бўлмас-дан, доимо ҳаётнинг олдинги сафларида бўлишга интилиб-йашайдиган сиз, ҳурматли мат-буот аҳлига дахлдор эканини барчангиз яхши тушунаси.

Биз ўз олдимизга дунёдаги ривожланган демократик дав-латлар қаторига киришдек ул-кан ва шарафли вазифани қўйган эканмиз, мамлакатимизнинг жаҳон майдонидаги кескин рақобатга ҳар томон-лама қодир бўлишини бундай юксак маррага эришишнинг асосий шарти ва гарови си-фатида кўрашимиз. Шу маънода, миллий журналистикамиз ҳалқ-аро медиа маконидида ўзининг муносиб ва мустаҳкам ўрнини эгаллаши бугунги кунда энг долзарб вазифамиз бўлиб қо-лмоқда.

Шу борада кейинги пайтда бир қатор ривожланган дав-латлар, дунёда ном қозongan нуфузли медиакомпаниялар-дан малакали мутахассис ва журналистлар юртимизга так-лиф қилиниб, улар иштироки-да матбуот ходимлари учун ўқув семинарлари ва амалий машғулотлар ўтказиш йўлга қўйилгани эътиборга лойиқ-дир. Бу тажрибанинг кенг қўлланиши туфайли ўтган йил-нинг ўзига 650 дан ортиқ мат-буот ходимларимиз ўз мала-каси ва маҳоратини ошириш-га эришганини, шу билан бир-га, қўллаб-ўзбек журналистла-рини ҳам хорижий давлатларга бориб, тажриба алмашиб ке-лганини қайд этиш лозим. Кел-гусида ҳам бундай самарали ижодий алоқаларни давом эт-тириш оммавий ахборот воси-таларимиз ривожига янги тур-тки бериши шубҳасиз.

Журналист кадрларнинг янги авлодини, ўз касбининг устаси бўлган етук таҳлилчи ва шарҳловчиларни тайёрлаш бўйича ҳам мамлакатимизда катта ишлар амалга оширил-моқда. Бу ҳақда сўз юритган-да, яқинда Ўзбекистон Мил-лий университети журналис-тика факультетининг замона-вий янги биноси қуриб фой-даланишга топширилганини таъкидлаш керак. Ахборот-коммуникация технологиялари ва чет тилларни, ижодий ма-ҳорат сирларини пухта эгал-лаш учун барча зарур моддий-техник база ва инфратузилма тармоқларига эга бўлган ушбу олий ўқув маскани мамлака-тимиз журналистларининг

интеллектуал ва ижодий са-лоҳиятини янада оширишга хизмат қилиши билан айниқ-са аҳамиятлидир.

Ҳурматли ватандошлар!
Ҳаммамизга аёнки, инсон бу ҳаётда бахт учун дунёга ке-лади. Лекин бахт дегани фа-қат моддий бойликка интилиб, молу давлатга, ҳавойи орзу-ларга берилиб яшашни аңглат-майди. Бахт — бу, менинг на-заримда, аввало тинч-осойиш-ча ҳаёт, оила, эл-юрт ободли-ги, ўз юрти, ўз Ватанига му-ҳаббат, ҳар қандай оғир си-новлар қаршисида ҳам ўзини, ўзлигини йўқотмасдан, асл ин-соний қиёфасини сақлаб қолиш, юксак маънавий қад-риятларга садоқат билан яшашдир.

Халқимиз, миллатимиз ас-рлар давомида одамлилик, ин-сонни қадрлаш, меҳр-оқибат, бағрикенглик каби эзгу фази-лаларни кўз қорачигидек ас-раб-авайлаб, неча-неча авлод-ларга безавол етказиб кела-ётгани тарихимиздан яхши маълум.

Эл-юртимизни минг йиллар оша турли тўфон ва бўронлар-дан омон сақлаб, барчамизга куч-қудрат бағишлаб келаёт-ган, ҳаётимизни ҳар томонла-ма юксалтирадиган бундай олижаноб қадриятлар, ўйлай-манки, оммавий ахборот во-ситаларимиз учун ҳеч қачон аҳамиятини, қадрини йўқот-майдиган бош мавзулар бўлиб қолади. Чунки, маънавиятни ас-раш — аввало инсоний-лиқни, инсоннинг ўзини ас-раш демакдир. Маънавий дунёимизга қарши қаратилган таҳдид ва ҳуружлар тобора кучайиб бораётган бугунги ва-зиятда бу ўткир ҳақиқатни бар-чамиз асло унутмаслигимизни истардим.

Шулар ҳақида гапирганда, руҳсатингиз билан, илгари ҳам айтган фикримни яна бир бор эслатмоқчиман. Биз моддий томондан ривожланган мамла-катлардан балки ҳозирча бир-оз орқадаиримиз, лекин маъ-навий жиҳатдан манамиан де-ган давлатлардан ўтиб кетган-миз, деб айтишга барча асос-ларимиз бор. Бугунги кунда бошимизни баланд кўтариб, ғурур ва ифтихор билан яша-шга имкон берадиган бундай бебаҳо бойликни қўлдан чиқармасдан, ёшларимизга ҳам етказсак, улар-нинг онги ва қалбига чуқур сингдирсак, азиз фарзанд-ларимизни миллий ва умум-инсоний қадриятлар руҳида баркамол инсонлар этиб тарбияласак, ҳеч шубҳасиз, эртанги кун, келажақ биз-никидир.

Ана шундай ўта муҳим ва долзарб вазифани адо этиш-да жамиятимиз, барчамиз ав-вало сизларга, сизларнинг би-лим ва тажрибангиз, профес-сионал маҳоратингиз, граж-данлик позициянгизга таяна-миз.

Фурсатдан фойдаланиб, эл-юрт манфаати, адолат ва эз-гулик йўлида ҳамиша ўзини аямасдан меҳнат қиладиган сиз, азиз журналистларни мен доимо қўллаб-қувватлашга, ҳар томонлама ёрдам ва қўмак беришга тайёр эканимни, сиз-ларни ўзининг энг яқин ҳам-фикр ва маслақдошларини деб билишимни яна бир бор из-ҳор этмоқчиман.

Азиз дўстлар!
Бугунги кутлуг айёмда сиз-ларни касб байрамингиз бил-лан самимий муборакбод этиб, барчангизга сihat-саломатлик, бахт ва омад, ижодий камолот тилайман.

Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

ИШОНЧ ЁРЛИҚЛАРИ ТОПШИРИЛДИ

■ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 26 июнь куни Оқсаройда Малайзия, Жа-зоир Халқ Деморактик Республикаси, Ҳиндистон Республикасининг мамлакатимиздаги Фавқуллода ва мухтор элчилари этиб тайинланган Дато Норай-ни бинти Абд Ҳамид, Носир Бушерит, Винод Кумардан ишонч ёрлиқларини қабул қилиб олди.

Давлатимиз раҳбари мамлакатимиздаги диплома-тик ваколатхоналарнинг янги тайинланган раҳбарларини самимий кутлар экан, Ўзбе-кистон Малайзия, Жазоир ва Ҳиндистон билан ўзаро му-носабатларни янада ривож-лантиришга алоҳида аҳа-ми-ят бераётганини таъкидлади ва уларнинг шарафли ҳамда масъулиятли фаолиятига му-ваффақият тилади.

Малайзия элчиси билан суҳбатда мамлакатларимиз-нинг сиёсий, савдо-иқтисо-дий соҳалардаги алоқалари, БМТ, Ислон ҳамкорлик таш-килоти ва бошқа халқаро ту-зилмалар доирасидаги ўзаро ҳамкорлигининг бугунги ҳо-лати ва уни ривожланти-ришнинг истикболлари му-ҳокама этилди.

Учрашувда ўзаро ҳамкор-лиқни янги босқичга кўта-риш, Ўзбекистон — Малайзия институтири фаолиятини ва ҳамкорлик механизмларини

фаоллаштириш, қўшма иқти-содий лойиҳаларни амалга оширишдан ҳар икки мам-лакат ҳам манфаатдор экан-ни таъкидланди.

Элчи Дато Норайни бин-ти Абд Ҳамид Малайзия ва Ўзбекистон ҳамкорлигини ўзаро манфаатли асосда янада кенгайтириш ва мус-таҳкамлашни ўзининг асосий вазифаси, деб билишини таъкидлади.

Ўзбекистон Жазоирга Шимолий Африкадаги энг муҳим ташки сиёсий шерик-лардан бири, деб қаради.

Суҳбат чоғида мамлакат-ларимиз ўзаро манфаатли савдони ривожлантириш, ин-вестициявий ҳамкорлиқни чу-қурлаштириш, маданий-гума-нитар ва бошқа соҳалардаги алоқаларни янада кенгайти-риш учун катта салоҳиятга эга экани қайд этилди.

Жазоир элчиси икки мамлакат халқларини тарих-ий, маданий ва маънавий

муштарак алоқалар боғлаб туришини таъкидлади ва дав-латларимиз ўртасидаги му-носабатларни мустаҳкамлаш-га муносиб хизмат қилишни ўзи учун улкан шараф, деб билишини қайд этди.

Ўзбекистонда Ҳиндистон-ни нафақат қадимий тамад-дун бешикларидан бири, балки жадал ривожланиб бо-раётган ва минтақавий ҳамда халқаро муносабат-ларда муҳим ўрин тутадиган мамлакат сифатида яхши билади.

Давлатларимиз ўртасида-ги алоқалар олий даражада-ги доимий сиёсий мулоқот-лар асосида изчил ривож-ланмоқда. Ўзбекистон Пре-зидентининг 2011 йилнинг май ойида Ҳиндистонга дав-лат ташрифи ва ушбу таш-риф чоғида бўлиб ўтган са-марали музокаралар ўзаро серкирра ҳамкорлиқни яна-да мустаҳкамлаш имконини берди.

Ҳиндистон элчиси мамла-катларимиз ва халқларимиз ўртасидаги муносабатларни янада ривожлантириш учун бутун куч-гайрати ва тажри-басини ишга солишини таъ-кидлади.

ЎЗА

27 ИЮНЬ — МАТБУОТ ВА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХОДИМЛАРИ КУНИ

ЭЪТИБОР ВА ҒАМХЎРЛИК — МАТБУОТИМИЗ РИВОЖИНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ



■ Президентимиз Ислом Каримов раҳнамо-лигида мамлакатимизда тинчлик ва осойишта-лиқни кўз қорачигидек асраб-авайлаш, Вата-нимизни жадал равнақ топтириш йўлида амал-га оширилаётган изчил ислохотлар журналист-ларга ҳам масъулиятли вазифалар юкламоқда.

Ўзбек Миллий академик драма театрида 27 июнь — Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари кўни

муносабати билан бўлиб ўтган тантанали тадбирда бу жиҳатлар яна бир карра акс этди. Унга сенаторлар,

депутатлар, давлат ва жамоат ташкилотлари мутасаддилари, оммавий ахборот воси-талари, ноширлик соҳалари-да узоқ йиллар самарали меҳнат қилган фахрий жур-налистлар, матбаачилар, олий ўқув юрларининг жур-налистика факультетлари профессор-ўқитувчилари, та-лабалар тақлиф этилди.

► Давоми 2-бетда.

МУНОСАБАТ

КАСБИМДАН ФАХРЛАНАМАН

Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари кўни муносабати билан ўтказилган тантанали маросимда иштирок этиб, тўғриси, журналистлик касбини танлаганимдан қалбим чексиз фахр-ифтихорга тўлди. Кўз олдимдан мустақиллик йилларида Оммавий ахборот воситалари босиб ўтган йўл гавдаланди...

Мамлакатимизда сўнгги чорак аср мобайнида барча соҳаларда изчил ривожланишни кўраямиз. Хусусан, миллий матбуот ва журналистикамиз жадал тараққиёт йўлини босиб ўтаётти. Бу ўз-ўзидан бўлаётгани йўқ, албатта. Давлатимиз томонидан Оммавий ахборот воситаларини мамлакатимиздаги ижтимоий-сиёсий тараққиёт, маънавий-маърифий юксалиш, миллий қадриятларимизни қарор топтиришда фаол иштирок этиши учун барча имкониятлар яратиб берилган.

ЭЪТИБОР ВА ҒАМХЎРЛИК — МАТБУОТИМИЗ РИВОЖИНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимларига табригини Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Х.Султонов ўқиб эшиттирди.

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси раиси И.Ҳалимбеков, Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети журналистика факультети декани М.Мирсоатова, «Наманган ҳақиқати» газетаси бош муҳаррири М.Парпиев ва бошқалар Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда янги жамият, озод ва обод ҳаётни барпо этиш борасидаги узоқни кўзловчи, пухта ўйланган ислохотлар жараёнида миллий матбуот соҳасини жадал равақ топтириш, фуқароларнинг сўз ва ахборот олиш эркинлигини тўла таъминлаш масаласига ўстувор аҳамият қаратилаётганини таъкидлади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида фуқароларнинг фикрлаш, сўз ва эътиқод эркинлиги, ахборот излаш, олиш ва уни тарқатишга оид ҳуқуқлари, оммавий ахборот воситаларининг эркин ва қонунга мувофиқ фаолият юритиши, ахборот хавфсизлигига доир кафолатларнинг асосий тамойилларини белгилловчи меъёрлар мустаҳкамлаб қўйилган.

Соҳага оид миллий қонунчилик оммавий ахборот воситалари ҳамда нашриёт-матбаа корхоналарининг эркин ва самарали фаолият кўрсатиши, уларнинг моддий-техник базасини янада мустаҳкамлаш, соҳа ходимларининг жамиятдаги нуфузи, ижтимоий мақомини ошириш, уларни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, фуқароларнинг ахборот олишга доир ҳуқуқий кафолатларини таъминлаш имконини бермоқда.

Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси миллий медиа соҳани босқичма-босқич ислохот этиш, уни изчил равақ топтириш борасида-



Санжар ШОТЎЛАГАНОВ олган суратлар.

ги истиқболларни белгилаб берди. Концепция доирасида қабул қилинган қонунлар оммавий ахборот воситалари, нашриётлар, полиграфия корхоналари ва матбуот тарқатувчи ташкилотларни янада ривожлантириш учун қўлай шароитларни яратиш, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти устидан жамоат назоратини ўрнатишда уларнинг таъсирчанлигини тобора кучайтиришда кенг имкониятлар яратмоқда.

Сўз ва ахборот эркинлигини таъминлаш борасидаги изчил ислохотлар натижасида Ўзбекистонда медиа соҳанинги жадал ривожланиши, оммавий ахборот воситалари, жумладан, нодавлат оммавий ахборот воситалари сони ўсиб бормоқда. Бугунги кунда мамлакатимизда рўйхатдан ўтган оммавий ахборот воситалари 1400 дан ошиб кетди. Улар орасида нодавлат медиа тузилмалар салмоқли қисmini эгаллаётгани нодавлат оммавий ахборот воситаларини қўллаб-қувватлаш, уларнинг моддий-техник базаси ва кадрлар салоҳиятини мустаҳкамлаш бўйича амалга оширилаётган кенг қамровли саъй-ҳаракатларнинг ёрқин ифодасидир.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан ҳар йили анъанавий тарзда ўтказилаётган «Ол-

Хозирги вақтда нафақат ҳаёт, балки инсоннинг ўзи, унинг ички дунёси, ҳаётга муносабати ва талаби ҳам тубдан ўзгармоқда. Ана шундай шароитда бугунги журналист, бугунги матбуотчи бу ҳақиқатни чуқур англаган тақдирдагина самарали фаолият кўрсата олиши мумкин.

МУНОСАБАТ

КАСБИМДАН ФАХРЛАНАМАН



Маҳмуджон ПАРПИЕВ,
«Наманган ҳақиқати»
газетаси бош муҳаррири,
халқ депутатлари вилоят
Кенгашидаги ЎзХДП
гуруҳи аъзоси.

Дарҳақиқат, бугун нафақат пойтахтимизда, балки бутун республикамиз, вилоятларда ҳам бу соҳани ривожлантириш учун шарт-шароитлар мавжуд. Буни биргина Наманган вилояти мисолида ҳам яққол кўриш мумкин. Бундан 20-25 йил илгари вилоятимизда 2 та ва туманларда чоп этиладиган газеталар фаолият юритарди. Бугунги кунга келиб, Наманганда 50 дан ортқ газет ва журнал чоп этилмоқда. Барча тахририятлар энг сўнгги ахборот-коммуникация технологиялари билан жиҳозланган. Уларнинг деярли асосий қисми замонавий технологиялар воситасида рангли чоп этилмоқда. Асосийси, мазкур газета ва журналларда мазмунан бой, муҳим ижтимоий-сиёсий масалалар, жамиятда учраётган муаммоларга бағишланган салмоқли материаллар бериб боришга ҳаракат қилинапти.

◀ Давоми. Бошланғи 1-бетда.

Бугунги кунда вилоятдаги барча оммавий ахборот воситаларининг веб-сайтлари мунтазам фаолият кўрсатмоқда. Уларнинг замон талаблари даражасида ишлаши таъминланмоқда. Мамлакатимизда оммавий ахборот воситаларига берилаётган эътиборни ҳар қадамда сезаямиз. Президентимизнинг 2011 йил 30 декабрдаги «Оммавий ахборот воситаларини янада ривожлантириш учун қўшимча солиқ имтиёзлари ва афзалликлар бериш тўғрисида»ги қарори бунга яққол далил бўлади. Буни бевосита ўзимизнинг фаолиятимиз мисолида кўраямиз. Мисол учун мазкур қарорга мувофиқ, «Наманган ҳақиқати» газетаси ҳар йили 35-50 миллион сўмга яқин маблағни тежаб қолмоқда. Мазкур маблағлар ҳисобидан тахририятнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, ходимларни рағбатлантиришга алоҳида эътибор қаратишмоқда.

Мамлакатимизда журналистларни, ижодкорларни

қўллаб-қувватлашга қаратилган саъй-ҳаракатларни алоҳида таъкидлаш керак. Оммавий ахборот воситалари ходимлари ўртасида ўтказилаётган танловлар уларнинг кучига-куч, ғайратига-ғайрат қўшмоқда.

Хусусан, тахририятимиз ходими Рихсixon Махмудова «Олтин қалам» X миллий мукофоти халқаро танлови ғолиби бўлди. Буни нафақат газетамиз, балки бутун вилоятимиз журналистларига кўрсатилган эътибор, деб билдик.

Умуман олганда, бугун Ўзбекистонда оммавий ахборот воситаларини ривожлантириш борасида амалга оширилаётган ишлар, соҳага кўрсатилаётган эътибор ҳақида узоқ гапириш мумкин. Олдимизда турган адо муҳим вазифа бу — бизга яратиб берилаётган шароит ва имкониятлардан ўтқонли фойдаланиш, зиммамизга юклатилган юксак масъулиятни шараф билан адо этишдир.

Президентимиз табрикда қайд этганидек, **ҳозирги вақтда нафақат ҳаёт, балки инсоннинг ўзи, унинг ички дунёси, ҳаётга муносабати ва талаби ҳам тубдан ўзгармоқда. Ана шундай шароитда бугунги журналист, бугунги матбуотчи бу ҳақиқатни чуқур англаган тақдирдагина самарали фаолият кўрсата олиши мумкин...**

ОЛИЙ СУД ПЛЕНУМИ МАЖЛИСИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ СУДИ ПЛЕНУМИНИНГ НАВБАТДАГИ МАЖЛИСИ БЎЛИБ ЎТДИ. УНДА ОЛИЙ СУД СУДЬЯЛАРИ, ЖИНОЯТ ВА ФУҚАРОЛИК ИШЛАРИ БЎЙИЧА ВИЛОЯТ ВА УНГА ТЕНГЛАШТИРИЛГАН СУДЛАР РАИСЛАРИ, ОЛИЙ МАЖЛИС СЕНАТИ АЪЗОЛАРИ, ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИ ДЕПУТАТЛАРИ, ХУҚУҚНИ МУҲОФАЗА ҚИЛУВЧИ ОРГАНЛАР МАСЪУЛ ХОДИМЛАРИ, ХУҚУҚШУНОС ОЛИМЛАР, ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ОКИЛЛАРИ ИШТИРОК ЭТДИ.

Олий суд раиси Ш.Ғозиев бошқарган мажлисда Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида жамиятда қонун устуворлиги ва қонунийликни мустаҳкамлашга қаратилган изчил ислохотлар суд-хуқуқ тизимини демократлаштириш ва либераллаштиришга хизмат қилаётгани таъкидланди. Натижада фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш самарадорлиги ортиб, жамиятда адолат барқарорлиги таъминланмоқда.

Мажлисда пленумнинг «Транспорт ҳаракати ва ундан фойдаланиш хавфсизлигига қарши жиноятлар билан боғлиқ ишлар юзасидан суд амалиётининг айрим масалалари тўғрисида»ги қарори лойиҳаси муҳокама қилинди.

Ўзбекистон юксак транспорт-коммуникация ва транзит салоҳиятига эга мамлакатлардан бири ҳисобланади. Бу имкониятлардан самарали фойдаланиш мақсадида ўтган йиллар мобайнида мамлакатимизда автомобильсоликни янада ривожлантириш, янги замонавий йўллар барпо этиш ва мавжудларини реконструкция қилиш борасида катта ишлар амалга оширилди. Энг асосийси, автомобильсолик саноатига асос солинди ва бугунги кунда Ўзбекистон автомобиль ишлаб чиқарувчи ва уни экспорт қилувчи 28 давлатдан бири сифатида дунёда танилди. Юртимиз кўчаларида йилдан-йилга ўзимизда ишлаб чиқарилган турли русумдаги автомобиллар тобора кўпайиб бораётди. Бу

соҳа иқтисодийётимизнинг янада юксалишига хизмат қилмоқда.

Мамлакатимизда йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш бўйича амалга оширилаётган ислохотлар жараёнида соҳага оид қатор янги қонун ҳужжатлари қабул қилинди. Жумладан, 2013 йилда кучга кирган янги тахрирдаги «Йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисида»ги қонун фуқаролар ҳаёти ва соғлиғи муҳофаза этилиши, уларнинг ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатлари, юридик ва жисмоний шахсларнинг мулк, шунингдек, атроф-муҳит ҳимоя қилиниши таъминлашга мустаҳкам асос яратди. Шу йўналишда қабул қилинган бошқа қонун ҳужжатларида йўл ҳаракати хавфсизлиги қондалари такомиллашиб, уларни бузиш билан боғлиқ ҳолатлар учун жавобгарлик кучайтирилди.

Ҳайдовчиларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тартиби такомиллаштирилгани, автомобильлар ҳаракатини кузатиш ва назорат қилишнинг марказлаштирилган ягона ахборот-компьютер тизими шакллантирилаётгани ва бошқа комплекс чора-тадбирлар амалда қўтилган самарани бераётди.

Бутунжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг маълумотларига қараганда, йўлларда содир бўлган йўл-транспорт ҳодисалари оқибатида дунёда ҳар йили 1,2 миллиондан ортқ одам ҳаётдан кўз юмар экан. Мазкур нуфузли халқаро ташкилотнинг маърузасида Ўзбекистон йўл ҳара-

кати хавфсизлиги учун хавфли омилларнинг олдини олиш чораларини кўраётган, яъни транспорт воситасини маст ҳолда бошқаришни истисно этувчи, хавфсизлик камаридан фойдаланишни таъминловчи мукаммал қонун нормаларига ва бошқа бир қатор йўл ҳаракати хавфсизлиги қондаларини назарда тутувчи қонунчилик базасига эга бўлган давлатлардан бири сифатида эътироф этилган.

Пленумнинг «Транспорт ҳаракати ва ундан фойдаланиш хавфсизлигига қарши жиноятлар билан боғлиқ ишлар юзасидан суд амалиётининг айрим масалалари тўғрисида»ги қарорини қабул қилишда кўзланган мақсад транспорт ҳаракати хавфсизлигига оид қонунларни амалиётта самарали таъкид этишдир. Бу соҳада ягона суд амалиётини шакллантириш ва ҳаракат хавфсизлигини таъминлашга хизмат қилади.

Йиғилишда «Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар қилиш тўғрисида»ги қарори лойиҳаси ҳам муҳокама қилинди.

Қўриб чиқилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди. Мажлисда Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори И.Абдуллаев иштирок этди.

Н.АБДУРАИМОВА,
ЎзА мухбири.

ЎЗБЕКИСТОН ЖУРНАЛИСТЛАРИ ИЖОДИЙ УЮШМАСИ «ЙИЛНИНГ ЭНГ ФАОЛ ЖУРНАЛИСТИ — 2014» ТАНЛОВИ ҒОЛИБЛАРИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Абдурахмонова Улдона — «Тил ва адабиёт таълими» журнали бўлим муҳаррири

Таълим жараёнида амалга оширилаётган туб ислохотлар ва ижтимоий мавзудаги долзарб материаллари, илмий-публицистик мақолалари учун

Абдулфайзов Махмуд — «Сурхон тонги» газетаси бўлим мудири

Вилоятда амалга оширилаётган бунёдкорлик ва ободончилик ишлари, аҳоли турмуш тарзидаги туб ўзгаришлар, миллий қадриятларимизни улуғловчи мавзулардаги публицистик мақолалари учун

Ажимов Саламат — «Истиқлол ва қонун» газетаси масъул котиби (Қорақалпоғистон Республикаси)

Қорақалпоғистон аҳолисининг бугунги ҳаёти, орзу-интилишларига бағишланган, истиқлол берган чексиз имкониятлар турмуш фаровонлигига хизмат қилаётгани ҳақидаги туркум мақолалари учун

Алибаев Сергей — «O'zbekiston» телеканали «Ахборот» информацион дастурлар бош муҳарририяти бош муҳаррири ўринбосари

Мамлакатимизда модернизациялаш ва янгилаш жараёнлари ҳамда республикада юз бераётган муҳим ижтимоий-сиёсий ва социал-иқтисодий воқеаларни кенг ва тезкор ёритгани учун

Исмоилов Отабек — «Хива тонги» газетаси мухбири

Халқимизнинг бой тарихий-маданий мероси, анъана ва қадриятларини тиклаш ҳамда тарғиб этишга қаратилган туркум мақолалари учун

Мустафоев Асад — «Жиззах овози» газетаси бўлим муҳаррири

Халқимизга хос эзгу ғазилатлар, уларнинг баркамол ёшлар тарбиясидаги ўрнига, ёш авлод эришаётган ютуқларга бағишланган мақолалари учун

Файзиёва Холида — «Хуррият» газетаси бўлим мудири

«Соғлом бола йили» ва «Кексаларни эъзозлаш йили» Давлат дастурлари ижроси доирасида амалга оширилаётган ишлар ҳақидаги тахлилий материаллари учун

Холбобоев Эркин — «Ўзбекистон овози» газетаси мухбири

Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар самарасига бағишланган тахлилий мақолалари учун

Ўринбоева Севара — Ўзбекистон Электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси лойиҳа раҳбари

Ўзбекистонда миллий қонунчилик тизимини такомиллаштириш борасида олиб борилаётган саъй-ҳаракатлар ва парламент фаолиятини кенг ёритишга бағишланган «Парламент соати» туркум кўрсатувлари учун

Шоева Сайёра — Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги Республика ахбороти тахририяти бўлим мудири

Мамлакатимизда аграр соҳадаги ислохотлар самаралари, экология муаммоларини бартараф этиш борасида олиб борилаётган саъй-ҳаракатлар, юртдошларимизнинг муносиб ҳаёт кечиришлари учун амалга оширилаётган улкан бунёдкорлик ва ободончилик ишларини интернет тармоғида кенг ёритган тахлилий материаллари учун

Танловнинг рағбатлантирувчи мукофоти совриндорлари

Айходжаева Азиза — «Нурли жол» газетаси мухбири

Остонакулов Хайрулла — «Жамият» газетаси мухбири

Бозорова Шоҳиста — «Қашқадарё» газетаси бўлим муҳаррири

Мутин Сергей — «Ташкентская правда» газетаси бўлим мудири

Норжигитова Бахринисо — «Гулистон ҳаёти» газетаси бош муҳаррири (Сирдарё вилояти)

Нўмонов Нурилла — «Андижоннома» газетаси мухбири

Пардаева Қумуш — «Yoshlar» телерадиоанали «Ҳарбий ватанпарварлик тарбияси дастурлари» муҳарририяти муҳаррири

Пўлатов Исомиiddин — «Зарафшон» газетаси мухбири (Самарқанд вилояти)

Сатторов Илҳом — Навоий вилояти телерадиокомпанияси муҳаррири

Сулаймонов Маъсуд — «Маънавият» газетаси муҳаррири (Фарғона вилояти)

Турдыев Мадрахим — «Истиқлол-ТВ» телестанцияси мухбири (Бухоро вилояти)

Файзиёв Хуршид — «Халқ иродаси» газетаси бош муҳаррири (Наманган вилояти)

Шовқиев Одилбек — «Dunyo bo'ylab» телеканали катта муҳаррири

Эргашева Нодира — «Poytaxt» радиоси муҳаррири

Юсупов Рустам — «Маҳалла» газетаси мухбири



■ ЎЗБЕКИСТОНДА МЕДИА СОҲАНИНГ ЖАДАЛ РИВОЖЛАНИШИ, ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ, ЖУМЛАДАН, НОДАВЛАТ ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ СОНИ ЎСИБ БОРМОҚДА. БУГУНГИ КУНДА МАМЛАКАТИМИЗДА РЎЙХАТДАН ЎТГАН ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ 1400 ДАН ОШИБ КЕТДИ.



■ ДАВЛАТИМИЗ РАҲБАРИ ТАШАББУСИ БИЛАН ҲАР ЙИЛИ АНЪАНАВИЙ ТАРЗДА «ОЛТИН ҚАЛАМ» МИЛЛИЙ МУКОФОТИ УЧУН ХАЛҚАРО ТАНЛОВ, «ЭНГ УЛУҒ, ЭНГ АЗИЗ», «ЙИЛНИНГ ЭНГ ФАОЛ ЖУРНАЛИСТИ» РЕСПУБЛИКА КЎРИК-ТАНЛОВЛАРИ ЎТКАЗИБ КЕЛИНМОҚДА.

Бандлик масалаларида парламент назоратини кучайтириш, коллеж-корхона-битирувчи шартномаларини амалга оширишда учраётган камчиликларни ўрганиб, уларни бартараф этишга кўмаклашиш муҳим вазифаларимиздан ҳисобланади.

■ «МАҲАЛЛА — АҲОЛИНИ ИЖТИМОЙ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ МАРКАЗИ»

Одамлар ишончини оқлаш

партиянинг жамиятда нуфузини оширишга хизмат қилади

■ Навоий шаҳридаги «Лочин» маҳалла фуқаролар йиғини биноси бугун ҳар доимгидан гавжум. «Маҳалла — аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш маркази» лойиҳаси доирасидаги тадбир нечоғлик муҳим аҳамиятга эга эканини кўрсатиб турибди. Иштирокчилар тадбир бошланмасдан олдин сиёсий партияларнинг жамият ҳаётидаги ўрни, партиямиз томонидан амалга оширилаётган амалий ишлар масаласида баҳс-мунозарага киришишди.

Сухбатдошига яқинда Ўзбекистон ХДПга аъзо бўлганлигини айтиб турган йигитнинг сўзлари қулоғимга чалинди. У ўзини Шаҳбоз Зиятов деб таништирди. Навоий давлат педагогика институтининг талабаси экан.

— Сиёсий партиялар фаолиятини мунтазам кузатиб бораман, — дейди у. — Сиёсий кучларнинг ҳар бири ўз ғоясига, мақсадига эга. Бироқ Ўзбекистон ХДП томонидан илгари сурилаётган лойиҳалар халқимиз кўнглига яқин. Шунинг учун ҳам ушбу партияга аъзо бўлдим. Бугунги тадбирда ҳам долзарб масалалар муҳокама этилади, уларнинг ечимига оид аниқ фикрлар, таклифлар билдирилади, деб ўйлайман.

Тадбир бошланди. Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши

ҳодимлари, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва маҳаллий Кенгашларга сайланган депутатлар, ҳамкор ташкилотлар вакиллари аҳолини ижтимоий муҳофаза қилишни янада кучайтириш, меҳнатга лаёқатли фуқароларни муносиб иш ўринлари билан таъминлаш, бу борада партия ташкилотлари ва гуруҳлари билан ўзини ўзи бошқариш органлари ўртасидаги ҳамкорликни таъминлаш масалаларида фикр алмашишди.

Ўзбекистон ХДП Навоий вилоят кенгаши раиси Акмал Асатовнинг таъкидлашича, мамлакатимизда йилдан-йилга иш ҳақи, пенсия ва нафақаларнинг ошиб бораётгани фуқароларнинг фаровон турмуш кечиришида муҳим аҳамият касб этмоқда. Шу қаторда аҳолини аниқ йўналтирилган асосда



ижтимоий муҳофаза қилишга қаратилган қонунлар ижросини мунтазам ўрганиш, фармон ва қарорлар бажарилиши самарадорлигини янада оширишни даврнинг ўзи талаб этмоқда.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, аҳолини ижтимоий муҳофазаси юзасидан белгиланаётган чора-тадбирларга қарамасдан бу борада баъзи бир камчиликлар ҳам учраб турибди. Кейинги пайтда партиямиз томонидан ўтказилган ўрганишлар натижасида вилоятдаги айрим умумий овқатланиш шохобчалари ёки савдо нукталарида меҳнат қилаётган фуқароларга меҳнат дафтарчалари очилмасдан, аксинча, оғзаки келишув асосида

■ Сиёсий кучларнинг ҳар бири ўз ғоясига, мақсади-га эга. Бироқ Ўзбекистон ХДП томонидан илгари сурилаётган лойиҳалар халқимиз кўнглига яқин. Шунинг учун ҳам ушбу партияга аъзо бўлдим.

ҳақ тўланаётгани аниқланди. Бундай ҳолатлар меҳнат қонунчилигига зид, албатта. Қолаверса, меҳнат дафтар-

часи очилмасдан ишлаётган ходим йиллар ўтиб, нафақага чиқишда ҳам турли муаммоларга дуч келади. Биз ана шундай салбий ҳолатларга чек қўйишимиз лозим.

— Бугун мамлакатимиз бюджетининг салмоқли қисми айнан иж-

тимоий ҳимояга йўналтири-лаётгани аҳолини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш бо-расидаги ишларнинг узвий давомидир, — дейди Олий Мажлис Қонунчилик пала-таси депутати, ЎзХДП фракцияси аъзоси Аҳад Аҳмедов. — Айниқса, ке-йинги йилларда нафақат вилоят ва туман марказлари-да, балки чекка қишлоқлар-да ҳам хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини яхшилаш, оилавий тадбиркорлик ҳамда касаначиликни ривожланти-риш эвазига иш ўринлари яратиш борасида муайян ишлар олиб боришмоқда. Тижорат банкларининг им-тиёзли кредитлари ҳам шу мақсадга йўналтириляпти. Бу эса аҳолини иш билан

таъминлашда муҳим аҳамият касб этмоқда. Биз фракция аъзоларидан ҳам бу борада алоҳида масъулият талаб этилади. Бандлик масалала-рида парламент назоратини кучайтириш, коллеж-корхо-на-битирувчи шартномала-рини амалга оширишда уч-раётган камчиликларни ўрга-ниб, уларни бартараф этиш-га кўмаклашиш муҳим вазифаларимиздан ҳисобланади.

— «Маҳалла аҳолини манзилли ижтимоий қўллаб-қувватлаш маркази» лойиҳаси 2009 йилда та-шқил этилган, — дейди Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши сектор му-дири Акмал Турсунбоев. — 2009-2014 йиллар даво-мида жойларда 20 мингга яқин тадбир ўтказилди. Натижада фуқаролардан 15 мингга яқин мурожаат ва таклиф тушди. Уларнинг 80 фоизи ижобий ечим топди.

Тадбир давомида, шунинг-дек, аҳоли бандлигини таъ-минлаш, кам таъминланган аҳоли қатламларига берила-ётган имтиёзлар, касб-хунар коллежлари битирувчилари-га ажратилаётган микрокре-дитлар, кекса ва ногирон-ларни соғломлаштириш йўлида олиб борилаётган эзгу ишлар борасида фикр-мулохазалар билдирилди.

Амалий семинарлар доирасида электрот вакиллари, хусусан, меҳнат-га лаёқатли, аммо вақтинча ишсиз фуқаролар, маҳаллаларда истиқомат қилаётган хотин-қизлар, ёшлар вилоятдаги мавжуд бўш иш ўринлари билан бевосита танишиш ҳамда ишга жойлаштириш учун шартнома имзолаш имконига эга бўлишди.

Амалий семинарлар ташкил эти-лишидан аввал, партия фаоллари, ти-жорат банклари вакиллари билан бир-галикда ўз ишини бошламоқчи бўлган, лекин маблагга эҳтиёжи бор хотин-қизлар ва касб-хунар коллежлари би-тирувчилари билан суҳбатлар уюшти-ришди, уларнинг бизнес режаларини ўрганиб чиқишди.

Тадбирда истиқболли деб топи-лан ана шундай лойиҳалар эгаларига «Микрокредитбанк»нинг имтиёзли кре-дит олиш ҳуқуқини берувчи сертифи-катлари топширилди.

Шунингдек, амалий семинар дои-расида банк хизматлари кўргазмаси ҳам ташқил этилди. Ҳар иккала туман-дан 15 нафардан электрот вакиллари — истиқболли лойиҳалар эгалари бўлган хотин-қизлар, касб-хунар коллежлари битирувчиларига «Микрокредитбанк»-нинг имтиёзли микрокредитлари аж-ратилди, сертификатлар топширилди.

Тадбирларда Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши раиси ўринбосари Шарбат Абдуллаева иштирок этди ва семинарлар кун тартибидagi вазифалар бўйича ўз фикр-мулоҳаза-ларини билдирди.

Санобар БЕРДИЕВА, Ўзбекистон ХДП Хоразм вилоят кенгаши Жамоатчилик ва ОАВ билан алоқалар бўлими mudiri.

Зарифа НОРЧАЕВА



риш муҳим аҳамият касб этади. Тадбир доирасида ёшлар-га гиёҳвандлик ва қашандалик-нинг салбий оқибатлари ху-су-сидаги видеолаваҳа намойиш этилди.

Тадбир якунида «Истиқбол» ёшлар қаноти етакчилари то-

Фаррух АЛИЕВ олган сурат.

■ ЎзХДП «ИСТИҚБОЛ» ЁШЛАР ҚАНОТИ

«Баркамол авлод — гиёҳвандлик ва қашандаликка қарши!»

«Истиқбол» ёшлар қаноти Тошкент вилоят ҳамда Қибрай туман бўлимлари «Ёшларга оид қонунчилик — ёшлар нигоҳида» лойиҳаси доирасида «26 июнь — Халқаро гиёҳвандликка қарши курашиш кuni» муносабати билан Қибрай Агро-тижорат касб-хунар коллежида давра суҳбати ўтказди.

Унда Ўзбекистон ХДП Тош-кент вилоят кенгаши фаолла-ри, сиёсий шарҳловчилар, халқ депутатлари Қибрай ту-ман Кенгашидаги партия гуруҳи аъзолари, вилоят ИИБ ҳодим-лари, вилоят Наркология дис-пансери ҳамда Тиббий статис-тика ва саломатлик институти мутахассислари ва ёшлар иш-тирок этди.

Тадбирда ёшларга гиёҳванд моддаларнинг ноконуний муо-маласи назоратини амалга оши-риш мақсадида қабул қилинган

қонун ҳужжатлари мазмун-мо-ҳияти, гиёҳвандликнинг ҳалокат-ли оқибатлари кенг тушунтирил-ди.

Тадбирда сўзга чиққанлар таъкидладики, гиёҳванд модда-ларнинг гайриқонуний муомала-сига қарши курашда фақат ҳам-корликдаги ҳаракатлар самара беради. Шу боисдан ҳам бу йўналишда маҳаллаларда, олий ўқув юртиларида, коллеж ва ли-цей ўқувчилари ўртасида тар-биявий-маърифий ва профилак-тик чора-тадбирларни кучайти-

риш муҳим аҳамият касб этади. Тадбир доирасида ёшлар-га гиёҳвандлик ва қашандалик-нинг салбий оқибатлари ху-су-сидаги видеолаваҳа намойиш этилди.

Тадбир якунида «Истиқбол» ёшлар қаноти етакчилари то-

■ РЕКЛАМА

«Toshkent universal auksion savdo» МЧЖ

2015 йил 14, 16, 21 ва 23 июль кунлари тўғридан-тўғри музокаралар ўтказиш орқали ташкил этиладиган такрорий савдоларга таклиф этади

Савдоларга, Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Амир Темур шоҳ кўчаси, 101-уйда жойлашган, Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкининг қуйидаги ҳўжалик жамияти устав фондидаги 100 фоз улushi такрорий равишда қўйилади:

Т/р	Объект номи	Сотилаётган объект		Савдога қўйилаётган объект бошланғич баҳоси	
		Манзили	Асосий фаолият йўналиши	Сўм	АҚШ доллар
1.	«ТО'УТЕРА ТЕКСТИЛ» МЧЖ	Тошкент вилояти, Тўйтепа шаҳри, Тошкент йўли кўчаси, 2-«А» уй	Калава ип ва газлама ишлаб чиқариш	57 710 000 000,0	25 308 295,47

Тўғридан-тўғри музокаралар ўтказиш орқали сотиш шартлари:

Савдо қолиби улushi сотилиш баҳосининг бўнак пули сифатида камида 15 фоз микдорини савдо ўтказилгандан сўнг, қолган қисmini олди-сотди шартномасида белгиланган муддатда сотув-чининг ҳисоб рақамига тўлаши шарт. Сотиб олиш учун тўловларни бўлиб-бўлиб тўлаш муддати 7 (етти) йилгача бўлган муддатни ташкил этади. Хусусан, талаб-горлар билан тўғридан-тўғри музокара-лар ўтказиш орқали сотиш жараёнида со-тилаётган улushiнинг бўнак пули микдори-ни 15 фоздан кўпроқ белгилаш ҳамда тўловларни бўлиб-бўлиб тўлашнинг яку-ний муддатини 7 йилдан камроқ муддат-

га сотилиши бўйича музокаралар олиб борилиши мумкин.

Савдо объекти ҳўжалик жамияти фао-лиятини тиклаш мақсадида киритилган маблаглар харидор томонидан белгилан-ган муддатларда тўлаб берилиши шарти билан сотилади.

Тўғридан-тўғри музокаралар ўтказиш орқали сотилаётган объектлар бўйича со-тиб олиш учун тўловлар бир йўла ёки сотиб олиш суммасининг қолдигига фо-излар ҳисобланмасдан бўлиб-бўлиб, шу-нингдек, сотиб олиш учун тўловлар тўлиқ тўлангунча қадар объектни ўзига бериш ва учинчи шахсларга гаровга (ипотекага) қўйиш ҳуқуқисиз (сотувчи — «Узмиллий-банк» бундан мустасно) тўланади.

Ҳўжатларни расмийлаштиришда за-рур бўладиган давлат божи, гаров таъ-минотини таъминлаш билан боғлиқ бар-ча харажатлар (шу жумладан, нотариал тасдиқлаш, объектни баҳолаш ва сугур-талаш билан боғлиқ харажатлар), савдо ташкилотчилигига тўланган комиссия тўловлар, савдо ташкилотчилигининг сав-донини ташкиллатириш ва ўтказиш билан боғлиқ харажатлари ҳамда юзага кела-диган бошқа харажатлар харидор маб-лаглари ҳисобидан амалга оширилади.

Савдоларда иштирок этиш учун талабгор қуйидаги ҳўжатларни тақ-дим этиши лозим:

юридик шахслар учун — давлат рўйха-тидан ўтганлиги тўғрисида гувоҳнома нус-

хаси, шунингдек, савдода иштирок этиш учун ваколатли вакил номига, унинг шах-сини тасдиқловчи ҳўжат нусхаси илова қилинган ҳолда, қонун ҳўжатларида бел-гиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома;

жиоминий шахслар учун — паспорт (истиқомат гувоҳномаси) нусхаси, савдо-да ваколатли вакил қатнашган тақдирда эса, унинг шахсини тасдиқловчи ҳўжат нусхаси илова қилинган ҳолда, қонун ҳўжатларида бел-гиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома;

эълонда кўрсатилган банк ҳисоб-рақамига закалат пули ўтказилганлигини тасдиқловчи тўлов ҳўжжати нусха; икки нусхадаги ёлик конвертлар-га солинган ва қўйиладиганлиги ўз ичига оладиган талабгор таклифлари; сотиб олиш тўловларининг так-лиф этилаётган суммаси ва уларни тўлаш муддати, бизнес-режа.

Такдим этилган ҳўжатларнинг бар-ча varaқалари талабгорнинг муҳри ва им-зоси билан тасдиқланган бўлиши керак.

Савдода иштирок этиш учун талаб-горлар томонидан, тўғридан-тўғри музо-каралар ўтказиш орқали сотилаётган улushi

бошланғич баҳосининг 2 (икки) фоизи микдоридagi закалат пулини «Toshkent universal auksion savdo» МЧЖнинг АТИБ «Ипотека-банк» Шайхонтохур филиалида-ги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари лозим: 2020 8000 704 929 318 001, МФО: 00425, СТИР: 302071274.

Талабгорлардан юқорида кўрсатиб ўтилган ҳўжатларни ҳамда бюртномала-рини қабул қилиш, расмий иш қўна-рида мазкур эълон чиққан кундан бош-ланади ва савдо ўтказиш бошлангичдан камида уч соат олдин тўхтатилади.

Ушбу банк улushi сотилаётган корхо-на билан унинг юқорида кўрсатиб ўтил-ган манзилига бориб танишиш мумкин.

Савдоларга тақдим этилган таклиф-ларни ўрганиб чиқиш, белгиланган савдо кунлари соат 11-00да бошланади ва қўйи-да кўрсатилган манзилда бўлиб ўтади: Тошкент шаҳри, Мировод тумани, Амир Темур шоҳ кўчаси, 16-«А» уй, 3-қават, 307-хона (Махлислар зали).

Мурожаат учун манзиллар ва алоқа воситалари:

Сотувчи (Банк): Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Амир Темур шоҳ кўча-си, 101-уй; телефон: 234-11-22, 234-15-60; телефакс: 234-43-31.

Савдо ташкилотчили: Тошкент ша-ҳри, Мировод тумани, Амир Темур шоҳ кўча-си, 16-«А» уй, 4-қават, 401-хона; те-лефон: 233-02-49; телефакс: 233-23-40, электрон почта: TUAO_MCHJ@mail.ru

Гувоҳнома № 005357



■ МАҲАЛЛИЙ КЕНГАШЛАРДАГИ ЎЗХДП ГУРУҲИ АЪЗОЛАРИ МАМ-ЛАКАТИМИЗДА ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ, СИЁСИЙ, МАЪНАВИЙ ВА МАЪРИФИЙ СОҲАЛАРДА ОЛИБ БОРИЛАЁТГАН ИШЛАРДА ФАОЛ ИШТИРОК ЭТИБ, ИСЛОҲОТЛАР МАЗМУН-МОҲИЯТИ, ЯНГИ ҚОНУН ВА ҚАРОРЛАРНИНГ АҲАМИЯТИ, ПАРТИЯ ДАСТУРИЙ МАҚСАДЛА-РИНИ ТАРФИБ ҚИЛИШГА МУНОСИБ ҲИССА ҚЎШМОҚДА.



■ ҚУЙИ БЎҒИН ФАОЛИЯТИНИ КУЧАЙТИРИШ ОРҚАЛИ СИЁСИЙ ПАРТИЯ ЎЗ ДАСТУРИЙ МАҚСАДЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРИШ ЙЎЛИДА САМАРАЛИ НАТИЖАЛАРГА ЭРИШАДИ. ШУ БОИС ПАРТИЯ ТАШКИ-ЛОТЛАРИ УЛАР ФАОЛИЯТИНИ ЗАМОН ТАЛАБЛАРИГА МОС РАВИШДА ТАШКИЛ ЭТИШ ЧОРАЛАРИНИ КЎРИБ КЕЛМОҚДА. БУ ЭСА БОШЛАНГИЧ ТАШКИЛОТЛАР ИШИНИ КУЧАЙТИРИШГА ХИЗМАТ ҚИЛЯПТИ.

Китоб тарбияси

болаликдан бошланади



■ Болаларнинг қандай китобларни ўқиши эрта уларни ким бўлишини белгилаб беради. Мутахассисларнинг таъкидлашича, ота-оналар болаларнинг қайси китобларни муталаа қилаётганига бефарқ қарамастиклари лозим. Биз катталар керак бўлса, бу борада уларга маслаҳат ва йўл-йўриқ кўрсатишимиз ўта муҳимдир. Зотан, болаларни яхши китоблар билан маънавий озиклантирган халқнинг келажаги буюк бўлади.

Биз аслида Ватанни севишни, ота-онани қадрлашни, қолаверса яшаш тушунчасининг барча тамойилларини китоблардан ўрганамиз.

Китоблар миллат йўлини ёритадиган, унинг руҳини кўтарадиган, бирлаштирадиган, ўтмишини англатадиган, эртасини белгилаб берадиган маънавий бойликдир.

Болалар китоб ўқиши учун аввало, уларга тайёрланган китобларнинг муқовасидан тортиб, ички безакларига гўзал ва бежирим бўлиши, чиройли суратлардан фойдаланиш, сифатли қоғозга чоп этиш муҳим ҳисобланади.

Болалар китоблари худди оҳанрабо сингари уларни ўзига тортиб туриши керак. Тажрибадан маълумки, болалар дастлаб китобни муқовасига, суратларига қарайди. Минг афсуски, юртимизда болалар учун чоп этилаётган ҳамма китобларда ҳам мазкур жиҳат инобатга оляпти, деб бўлмайд.

Яқинда «Akademnashr» нашриётида чоп этилган китоблар жамланмаси бу бўшлиқни қайсидир маънода

тўлдиргани билан алоҳида аҳамият касб этади.

Буллар — Пўлат Мўминнинг «Даканг хўроз — аканг хўроз», Қуддус Муҳаммадийнинг «Оқ теракми, кўк терак», Анвар Обиджоннинг «Мулла баликча», Турсунбой Адашбоевнинг «Қарға қақимчи», Қамбар Отанинг «Атлас кийган капалак» номли китобларидир.

— Фарзандларимиз учун китоб тарбияси болаликдан бошланиши керак, — дейди «Akademnashr» нашриёти директори Санжар Назаров. — Биз шу мақсадда мазкур бешта китобни чоп этдик. Келажакда бу ишни давом эттиришни ният қилганмиз. Китоблар сонини камида йигирматага етказишни режалаштиряпмиз. Ота-оналарга айтадиган гапим: болангизга китоб олиб беринг. Китоб ўқиган, китоб билан дўст тутиган болалар ватанпарвар, миллатпарвар, инсонпарвар бўлиб улғайишади.

Томур АбЗАМ,
«Ўзбекистон овози»
мухбири.

ИНСОН ХОТИРАСИ АЗИЗ

Инсон қайси соҳада меҳнат қилмасин, ўзи танлаган касбга меҳр қўйса, фидойи, жонкуяр бўлса, у доим кадр топади, қилган яхши амаллари билан ҳамкасблар, шогирдлар хотирасида бир умрга сақланиб қолади. Бугун давраларда Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими Тўхфатилла Обидов ҳақида гап кетганда, уни ўзбек матбаачилигига тамал тоши қўйган фидойи инсон, шу соҳага бутун умрини бағишлаган зиёли сифатида эслашади.



сўнг секин-аста соҳанинг кўзга кўринган вакиллари қаторига қўшилади.

Тўхфатилла Обидов Юнусобод даҳасидаги «Китоб-журнал фабрикаси»га раҳбар этиб тайинланади. Ушанда мазкур корхонада 400 нафарга яқин ишчи-хизматчи меҳнат қиларди. Ушбу босмахонада ўзбек ва рус тилларидан ташқари инглиз, француз, немис, испан, араб, форс, урду ва пушту тилларида китоб-журналлар чоп этиларди. Касбнинг машаққатларини яхши билган раҳбар, ходимларга алоҳида муносабатда бўлиб, уларнинг меҳрини қозонди.

Тўхфатилла Обидов мазкур корхонага қарийб 30 йилга яқин раҳбарлик қилди. Кўплаб шогирдлар тайёрлади, малакали мутахассислар етиштиришга муносиб ҳисса қўшди. Ҳозирда мазкур соҳада фаолият кўрсатаётган етакчи мутахассислар айнан ана шу инсоннинг шогирдлари ҳисобланади. Яхшидан боғ қолади, деганлари шу бўлса керак.

Нуруллоҳ ДОСТОН

Моҳир матбаачи

Тўхфатилла Обидов Иккинчи жаҳон уруши бошланган пайтда ўн бир ёшда эди. Ҳаёт анча оғир бўлгани боис у онасига кўмак бериш мақсадида босмахонага иш излаб боради. Уни собиқ Матбаачилар билим юрти биноси ёнида жойлашган газета-журналлар чоп қилинадиган босмахонага уста ёрдамчиси қилиб ишга олишади.

Табиатан зеҳни ўткир, фахр-фаросатли бу боланинг чин дилдан, астойдил меҳнат қилиши бос-

махона жамоасига маъқул келиб, унга Матбаачилар билим юртида тахсил олиш учун йўлланма беришади. У ишдан ажралмаган ҳолда ўқиди, касбнинг сир-асрорларини чуқур ўрганди. Билим юртини битиргач, Эски Жўва майдонидаги 1-босмахонада уста вазифасида иш бошлади.

19 ёшли Тўхфатилла матбаачилик соҳасидаги билимларини такомиллаштириш мақсадида иқтисодиёт йўналиши бўйича сирдан ўқишга қиради. Шундан

СПОРТ

Ўзбекистон кубоги: ЧОРАК ФИНАЛЧИЛАР АНИҚ

Футбол бўйича мамлакат кубоги нимчорак финал босқичи якунланди.

Кўпчилик учун қутилмаганда биринчи лиганинг бир йўла икки жамоаси — «Пахтакор-2» (Тошкент) ҳамда «Цементчи» (Қувасой) футболчилари олий лига вакиллари мағлубиятга учратиб, бахсларни давом эттирадиган бўлди.

Мусобақанинг 1/8 финалида қуйидаги натижалар кайд қилинди: «Цементчи» — «Машъал» —

1:0 (дастлабки учрашув — 1:2), «Пахтакор-2» — «Бухоро» — 3:0 (1:4), «Навбахор» — «Локомотив» — 1:3 (0:2), «Қўқон-1912» — «Сўғдиёна» — 1:2 (0:1), «Металлург» — «Андижон» — 4:0 (1:3), «Пахтакор» — «Шўртан» — 2:0 (1:2), «Насаф» — «Оқ-тепа» — 3:1 (2:1), «Обод» — «Бунёдкор» — 1:1 (0:1).

Энди қўрьага кўра, чорак финалда «Металлург» (Бекобод) — «Локомотив» (Тошкент), «Пахтакор-2»

(Тошкент) — «Насаф» (Қарши), «Сўғдиёна» (Жиззах) — «Бунёдкор» (Тошкент), «Цементчи» (Қувасой) — «Пахтакор» (Тошкент) жувфликлари ўзаро рубару келади. Мазкур босқичнинг дастлабки икки учрашуви 4 июлда, қолган икки баҳс 8 июлда ўтказилиши белгиланган.

Жавоб ўйинлари эса 26-29 июль кунлари бўлиб ўтади.

Самандар БОБОРАЖАБОВ,
ЎЗДЖТУ талабаси.

РЕКЛАМА

«ЎЗБЕКИСТОН ПОЧТАСИ»


акциядорлик жамияти жамоаси



мамлакатимизда миллий журналистика
ривожига йўлида фидокорона меҳнат
қилаётган инсонларни, муҳтарам
фахрийларимизни,
нашриёт ва матбаа соҳаси вакиллари

27 ИЮНЬ — Матбуот ва оммавий
ахборот воситалари
ходимлари куни

билан муборакбод этади.
Байрамингиз қутлуғ бўлсин, азииз
журналистлар!



МУАССИС:



O'ZBEKISTON
XALQ DEMOKRATIK
PARTIYASI
MARKAZIY KENGASHI

Bosh muharrir: **Safar OSTONOV**

TAHRIR HAY'ATI:

Abdulla OROPOV	Ulug'bek	Saidahmad RAHIMOV
Hotamjon KETMONOV	MUSTAFOYEV	Farrux HAMROYEV
Ulug'bek VAFOYEV	Muslihiddin	(Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)
Rustam KAMILOV	MUHIDDINOV	Tat'yana KISTANOVA
Sharbat ABDULLAYEVA	Ochilboy RAMATOV	(Bosh muharrir o'rinbosari)

Qabulxona — 233-65-45

Xatlar va murojaatlar uchun — 233-12-56

E-mail: info@uzbekistonovozi.uz

MANZILIMIZ:
100000, Toshkent,
Matbuotchilar
ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi — 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.

«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 659
17819
nuxxada
bosildi.
Nashr ko'rsatkichi — 220
t — Tijorat materiallari
O'ZA yakuni — 21.00
Topshirilgan vaqti — 00.30

Sotuvda kelishilgan narxda

Navbatchi:


Abdusolim MAHMUDOV

Sahifalovchi-dasturchilar:

Zafar BAKIROV

Behzod ABDUNAZAROV

ISSN 2010-7633



1 2 3 5 6